Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan | 2002 yil, 1 noyabr № 45 (530) | Sotuvda narxi erkin

## ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ИШ ЯКУНЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Агентлик Бош директори А. АРИПОВ бошқарди.***

Йиғилишда акциядорлик компаниялари, филиаллар, корхона ва ташкилот раҳбарлари қатнашди.

Кенгайтирилган мажлисда Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари М. Маҳмудов "Алоқа соҳаси корхоналарининг жорий йил, 9 ойлик иш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг бориши" тўғрисида маъруза қилди.

Маърузада таъкидланишича, ўтган тўққиз ой мобайнида барча турдаги алоқа корхоналари томонидан 86,9 млрд. сўмлик даромад олинган, аҳолига 34,5 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилган.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари сони 13,8, хат-хабарлар 5,8, пул жўнатмалари 1,1 фоизга ошган. Асосий телефон аппаратлари сони 1 октябргача 1625,7 мингга етган.

Агентлик почта ва телекоммуникация корхоналарида дебиторлик қарзлар 7659,6 млн. сўмни ташкил этади. Муддати ўтган қарздорлик йўқ. Алоқа корхоналарининг кредиторлик қарзлари эса 15465,4 млн. сўмдан иборат. Кредитор қарздорликни камайтириш бўйича мунтазам шуғулланилмоқда. Ўз вақтида қарзини тўламаган 1635 хўжалик субъектлари судга берилган ва суд орқали 762 та корхонадан 143,3 млн. сўм ундириб олинган. 3960 та телефон пул тўланмаганлиги сабабли олиб қўйилган, 266,44 мингта телефон эса ўчирилган.

Жорий йил, 30 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3080-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қароридан келиб чиқиб ишлар олиб борилмоқда. Ушбу Дастурларда кўрсатилганидек, 2002-2010 йилларда телекоммуникациянинг янги объектлари қурилиши ҳамда 2005 йилда шаҳарлараро каналлар сонини 50 мингтага етказиш мўжалланмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил, 17 июлдаги қарори билан Агентликда Компютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази ташкил қилинди.

Тўққиз ойда "PRENOS" ОАЖ 26,8 млн. сўмлик, "Саноаталоқа" АЖ 47 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган.

Почта ва телекоммуникация корхоналарида 41,8 минг ходим ишлайди. Ўртача ойлик маош 41,600 сўмни ташкил этади. Иш ҳақи тўлаш масалалари бўйича корхоналарда доимо мониторинг ўтказилиб турилади.

Тўққиз ойликни "Ўзбектелеком" АКнинг ўнта филиали 864,8 млн. сўмлик, "Ўзбекистон почтаси" ДАКнинг еттита корхонаси 101,0 млн. сўмлик зарар билан якунлашди.

Ўрта ва кичик бизнес тадбиркорлиги ёрдамида филиаллар фойдасини ошириш учун қатор тадбирлар ишлаб чиқилгани натижасида компания корхоналарининг 48 та объекти ижарага берилди.

Тўққиз ой ичида 17 марта пенсия пулларини ўғирлаш содир этилди.

Координацион кенгаш билан келишган ҳолда лицензия келишувларини бажариш мақсадида 189 хўжалик субъектида, жумладан почта соҳасида 61 та, матбуот тарқатишда 13 та, телекоммуникация соҳаси бўйича 115 та текширувлар ўтказилди.

Алоқа хизмати кўрсатиш сифати бўйича ўн нафар мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Корхоналар айби юзасидан тушган шикоятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24,8 фоизга (почта соҳасида 47,1 фоиз, электралоқа соҳаси бўйича 23,7 фоиз) камайган.

Лицензия комиссиясининг 27 та йиғилиши бўлиб ўтган.

Йиғилишда Агентлик Бош директори ўринбосари Ш. Обидхўжаев, "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директорининг биринчи ўринбосари А. Хўжаев, Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи F. Зиёевлар сўзга чиқишди.

Кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари комплекси раҳбари котибиятининг мудири Х. Мирзоҳидов қатнашди.

Ҳайъатда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**И. АҲМЕДОВ**



Тошкент алоқа коллежи биноси.

Т.ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

## ШАҲРИСАБЗГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент ахборот технологиялари университетида Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев иштирок этди.

Анжуманни университетнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректори Н.Мўминов кириш сўзи билан очди. Сўнгра Н. Нарзуллаев қатнашчиларга Шаҳрисабз шаҳрининг тарихда тутган ўрни, у ерда туғилиб, элга танилган тарихий шахслар ҳақида сўзлаб, ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди.

Шунингдек, университетнинг "Ўзбекистон тарихи" кафедраси профессор-ўқитувчилари қадим Кеш ҳақида маъруза қилдилар. Айниқса, катта ўқитувчи Ф.Шириновавнинг Шаҳрисабз мудофааси тўғрисидаги маърузаси зўр қизиқиш билан тингланди.

Йиғилиш сўнгида талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

**Ф.АСОМХЎЖАЕВ**

## ҳайъат йиғилишида

***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Агентлик Бош директори А. АРИПОВ бошқарди. Унда қатор масалалар кўриб чиқилди.***

"Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастоталар спектридан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаш ва уни янада такомиллаштириш йўллари тўғрисида" Электромагнит мослашув маркази бошлиғи Р.Мансуров маъруза қилди. Маърузачи радиочастоталар спектридан фойдаланиш борасида республикамизда олиб борилаётган ишлар, муаммо ва камчиликлар хусусида батафсил маълумот берди. «2001-2005 йиллар учун алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш Дастурининг бажарилиши ҳақида» Агентлик Бозор ислоҳотлари ва қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи М. Кожакин сўзга чиқди. У ушбу Дастур соҳада рақобатчилик муҳитини яратишга ижобий таъсир кўрсатгани, объектларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш вазифалари босқичма-босқич амалга оширилаётгани, бозорни почта ва телекоммуникациялар хизмат турлари билан таъминлаш ишлари олиб борилаётгани хусусида тўхталди.

"Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил, 27 сентябрдаги "Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 336-сонли қарорининг бажарилиши тўғрисида" Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Ш. Обидхўжаев маъруза қилди. Маърузада Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорини бажариш мақсадида Агентликнинг жорий йил, 4 октябрдаги 115-сонли буйруғи чиқарилгани, "Гранит" ИИК ва "Коинот" ОАЖни Агентлик таркибига қабул қилиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилгани, бу ишларни амалга ошириш учун ишчи гуруҳи тузилгани ва бошқа масалалар ҳақида сўз борди. "Халқаро электралоқа иттифоқининг Мухтор конференцияси якунлари ҳақида" сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича давлат комиссияси раиси ўринбосари М. Холмуратова Халқаро электралоқа иттифоқининг Мухтор конференцияси тўрт йилда бир марта ўтказилиши, навбатдаги конференция яқинда Марокашда бўлиб ўтганлиги, унда 166 мамлакатдан 3500 нафар, жумладан Республикамиздан уч нафар делегат иштирок этганлиги хусусида маълумот берди.

Ҳайъатда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз**

## СИРДАРЁДАН ДАРАКЛАР

"Сирдарё почтаси" акциядорлик жамиятида турмушимизнинг маънавий асоси бўлган газета ва журналларга 2003 йил учун обуна ўтказишга яхши тайёргарлик кўрилди. Ҳамма алоқа бўлимлари матбуот нашрлари каталоги, обунани расмийлаштириш учун керакли бланка ва ҳужжатлар билан тўлиқ таъминландилар. Бўлимларда "Обуначилар бурчаги" ташкил этилган.

Ушбу мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамкорлигида амалий ишлар қилинмоқда. Ташкилот, корхона, ўқув юртлари ва аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада корхонанинг Янгиер, Сирдарё, Ховос ва Меҳнатобод бўлимлари яхши натижаларга эришмоқда. Айниқса, алоқа ходимларининг энг севимли ва қадрли нашри бўлган "Xabar" газетаси учун обуна бўлишга алоҳида эътибор қаратилган.

Матбуот тарқатувчи ва жамоатчи обуна қабул қилувчи илғор ходимларни рағбатлантириш мақсадида махсус мукофотлар белгиланди.

***

Айни дамда Республикамизнинг улкан пахта хирмонини яратиш учун йиғим-терим ишлари қизғин давом этмоқда. "Сирдарё Телеком" филиали жамоаси ҳам пахтакорларга мадад бериш учун Гулистон туманидаги "Ишонч" деҳқон-фермер хўжалиги уюшмасида сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Улар учун махсус хизмат автобуси ажратилиб, корхонанинг қўшимча даромади ҳисобидан ҳар куни бепул тушлик иссиқ овқат ташкил қилинган.

Бугунги кунда алоқачиларнинг эл-юрт хирмонига қўшган ҳиссаси салмоқлидир. Рашида Жемарцева, Элмира Хўжаёрова, Артур Пак, Шароф Баротов ва Ҳаким Эшманов каби алоқачилар ҳар куни 60-80 кг.дан "оқ олтин" териб, ўрнак кўрсатмоқдалар.

**У.РАЖАБАЛИЕВ,**
**"Сирдарё Телеком" филиали етакчи муҳандиси**

• «Қарияли уй — баракали уй» танловига

# ОЛИЙ САОДАТ

Бухорода бутун умрини аҳолига почта хизмати кўрсатишга бағишлаган кишилар талайгина. Ана шундай инсонлардан бири Олия опа ЖЎРАЕВАдир.

— Иш бошлаганимга ҳам 45 йил бўлибди, — дея ҳикоя қилади О.Жўраева. — Ўшанда эндигина ўрта мактабни битирган қиз эдим. Биринчи иш куним Бухоро телеграфида кечган. Асосан морзе алифбоси ёрдамида иш олиб борардик. Телеграфда ярим йилча ишлаганимдан сўнг Тошкентга — почта ходимлари малакасини ошириш курсига юборишди. Ўқишдан қайтиб келгач, маълум муддат вилоят марказидаги 4 ва 2-алоқа бўлимларида бошлиқ ўринбосари вазифаларида ишладим.



1963 йилдан бошлаб эса роппа-роса 33 йил давомида 16-алоқа бўлимига раҳбарлик қилдим. Пенсияга чиққанимга ўн йил тўлган бўлса-да, севимли касбимни тарк этганим йўқ. Ҳозирда бир пайтлар ўзим бошқарган алоқа бўлимида операторлик қиляпман.

Ҳалол ва покиза ишлашни, касбга садоқат ва фидойиликни О.Жўраева ўз устозлари — Николай Матасов, Иля Гургов, Олимпиада Кетова, Лидия Смиренова, Муаттар Раҳматовалардан ўрганган бўлса ажабмас. Чиндан ҳам бу инсонларсиз Бухоро вилоятида алоқа соҳасида ўтган асрнинг 60-70-йилларида қўлга киритилган ютуқларни, жумладан почта хизмати кўрсатиш борасидаги ўзгаришларни тасаввур этиш қийин.

Айни дамда Олия Жўраева ҳам мўътабар устоздир. Унинг ўгитлари-ю йўл-йўриқларига амал қилган шогирдлари бугунги кунда соҳадаги турли масъул вазифаларда меҳнат қилиб, устозлари қадрини баланд тутиб келмоқдалар. Шулардан бири "Бухоро почтаси" акциядорлик жамияти, Бухоро шаҳар филиали, 4-алоқа бўлими бошлиғи Ҳалума Карибоевадир. Опа шогирдининг Мустақиллигимизнинг 11 йиллик байрамида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги "Фахрий ёрлиғи" билан тақдирланганлигини эшитиб, боши осмонга етди. Шогирдини чин дилдан қутлади. Қолаверса, онахоннинг Сайфулла Саъдуллаев, Мўмина Содиқова, Вера Никитина, Алёна Нуштаева сингари қатор шогирдлари ҳам эл-юрт ишига ҳамиша фидойиликлари билан мижозлар ҳурматини қозониб келишмоқда. Улар Олия опадаги инсоний фазилатлар — одамийлик, хушмуомалалик, ростгўйлик, ҳалолликни ўзларига шиор қилиб олишган.

Олия опага бир пайтлар Бухоро Давлат педагогика институти (ҳозирги Бухоро Давлат университети)нинг тарих факультетида олган билимлари, бир неча хориж тилларини мукаммал билиши бутун умри давомида қўл келди ва келмоқда. Ўзи туғилиб ўсган Бухоро шаҳри тарихини шу соҳа мутахассисларидан кам билмайди. У ҳамиша Шарқ гавҳари ҳисобланмиш Бухоронинг тарихий ва маданий ёдгорликлари ҳақида мароқ билан сўзлайди.

Шаҳардаги 16-алоқа бўлими турли ёшдаги кишилар, юртимиз меҳмонлари билан ҳамиша гавжум. Бу ерда Олия Жўраева кундалик газета-журналлар, бадиий маркалар, буклет ва ойнахатлар, мўъжаз китобчалар билан савдо қилади. Узоқ-яқиндан келган меҳмонлар билан қисқа суҳбатлар давомида икки ярим минг йиллик тарихга эга бўлган Бухоро ҳақида тўлқинланиб гапиради. Шу боис, ҳашаматли меҳмонхонага қадам ранжида қиладиган кишилар энг аввало чеҳрасидан нур, кўзларидан меҳр ёғилиб турган онахон ҳузурига, унинг дилкаш суҳбатидан баҳраманд бўлишга ошиқадилар.

Суҳбатимиз давомида О.Жўраева қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Бошқа вилоятлардан, айниқса хориж давлатларидан Бухорога келадиган кишиларнинг бу мўътабар шаҳарга ихлослари ўзгача. Улар сўраган нарсаларни иложи борича муҳайё қилишга, талаб-эҳтиёжларини имкон қадар қондиришга ҳаракат қиламан. Бироқ баъзан шундай бўладики, у ёки бу чет эллик сўраган нарсани топиб беришда қийналиб қоламиз. Масалан, Бухоронинг кўҳна обидалари ва меъморий мажмуалари акс эттирилган, кўкракка тақиладиган нишонларни улар истаган миқдорда тавсия эта олмаяпмиз. Хориж тилларида нашр этилган Бухоро ҳақидаги китобларга ҳам эҳтиёж катта. Кўҳна шаҳарнинг тарихий ёдгорликлари тасвири туширилган маркалар хусусида ҳам худди шундай фикрни билдириш мумкин.

Олия опа доимо хизмат жойи сари шошилади. Зотан, атрофдаги кишиларга ўз меҳнати ва меҳрини улашишдан-да улкан бахт ва энг олий саодат йўқдир.

**А.ИСТАМОВ,**
**Бухоро вилояти**

## ЁНҒИН САБАБИ — БИЛМАСЛИКМИ ЁКИ...?

Содир бўлган ёнғинларни текшириш ва таҳлил қилиш мобайнида биз — ёнғин хавфсизлиги ходимлари орасида доимо бир савол туғилади. Нима учун фуқароларимиз умр бўйи мисқоллаб йиққан мол-мулкларига, қийинчилик билан қурган уй -иморатларига лоқайд қарайдилар?

Биргина Юнусобод тумани ҳудудида жорий йилнинг 9 ойи давомида 187 та ёнғин содир бўлди. Натижада икки нафар одам вафот этди, беш киши жиддий жароҳатланди. Содир бўлган ёнғинларнинг энг кўпи, яъни 102 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида, 55 таси чекиш, 29 таси эса иситиш, электр ва газ асбобларининг носозлиги ёки улардан нотўғри фойдаланиш оқибатида келиб чиққан.

Ёнғинларнинг олдини олиш ва кузги-қишки иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш учун фуқароларимиздан қуйидагиларга амал қилиш талаб этилади:

– барча газ асбоблари йўриқномаларини тегишли газ идоралари ходимлари иштирокида текширувдан ўтказиб, носозликларни бартараф қилиш;

– чордоқ ва ертўлаларни сомон, хашак ёки бошқа буюмлардан тозалаш;

– электр ҳисоблагич (счётчик)ларда фақат махсус ҳимоя (пробка) мосламалари ўрнатиш;

– газ асбобларидан фойдаланишни доимий назорат остига олиш;

– газ плиталаридан кийим қуритиш ёки хоналарни иситиш мосламаси сифатида фойдаланиш маън этилади;

– ишлаб турган газ-электр асбоблари яқинида қисқа вақтга бўлса ҳам ёш болаларни ёлғиз ташлаб кетманг.

**Ҳурматли фуқаролар!**

Ушбу қоидаларга риоя қилиш орқали Сиз ёнғин келиб чиқишини бартараф этган, давлат ва шахсий мол-мулкингиз, ўзингиз ҳамда атрофингиздаги инсонлар ҳаётини асраб қолган бўласиз.

**З. АЗИМОВ,**
**Юнусобод тумани ЁХБ бошлиғи**

# БАРЧА ЮТУҚ АҲИЛЛИКДА

Навоий туман телекоммуникациялар боғламаси "Навоий Телеком" филиали таркибидаги пешқадам корхоналардан саналади. Бу ерда белгиланган вазифалар мунтазам равишда ошиғи билан уддаланиб келиняпти. Жорий йилнинг ўтган олти ойида мўлжалдаги 41141 минг сўм ўрнига 56632,5 минг сўм даромад олинди. Бу борадаги ўсиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 161,8 фоиз бўлди. Телефон хизмати учун аҳолидан тўловлар тушуми кўрсаткичи ҳам ўтган йилгига қараганда 181 фоизни ташкил этиб, режадаги 24,5 миллион сўм ўрнига 29,1 миллион сўмга етказилди. Мавжуд телефон аппаратларидан олинаётган даромад ҳамда шаҳарлараро сўзлашувлар миқдори бўйича ўсиш ўрта ҳисобда 157 фоизни ташкил этди. Ҳар бир монтёр меъёрдаги 73 ўрнига 85 та телефон аппаратларига хизмат кўрсатмоқда.

Алоқачиларнинг юқори меҳнат кўрсаткичлари улар олаётган иш ҳақларида ҳам ўз ифодасини топяпти. Айни пайтда жамоа бу борада ҳам тумандаги корхона ва ташкилотлар ўртасида энг юқори ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

– Боғлама вилоятдаги энг барқарор жамоаларимиздан бири ҳисобланади, – дейди "Навоий Телеком" филиали директори Бозорали Тунгишбоев карманалик алоқачилар амалга ошираётган ижобий ишлардан мамнунлигини яширмасдан. – Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг асосий қисмини кўп йиллик иш стажига эга бўлган тажрибали алоқачилар ташкил этади. Улар ўз ишларини миридан сиригача пухта ўзлаштиришган...

Биз Карманага келиб, алоқачилар билан дилдан суҳбатлашдик.

– 32 йилдан бери шу ерда ишлаяпман, – деди катта телефончи Башорат Эрназарова. – Касбимни жуда яхши кўраман. Шунинг учун ҳам мактабни тугаллаганимдан буён бошқа жойда ишлаш истаги хаёлимга келмаган.

Корхонада 45 йилдан бери ишлаётган алоқа монтёри Шариф Мирзаевнинг Республикамиз Мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида "Шуҳрат" медали билан тақдирланганлиги ҳам жамоа ютуғидир. Айни пайтда 60 ёшдан ошганлигига қарамасдан йигитлардек ғайрат билан ишлаётган Шариф ака ўз касбидан, корхонасидан мамнун эканлигини таъкидлади, мактабни тугатибоқ шу ерга ишга келганлиги, сиртдан Тошкент алоқа техникумида таҳсил олганлигини гапириб берди.

– Энг асосийси, – деди Шариф Мирзаев, – бизнинг унумли ишлашимиз учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Иш кийимлари ва хизмат транспорти – велосипедлар билан таъминланганмиз. Иш ҳақи ўз вақтида бериб борилади.

Қодир Мардонов, Раҳмат Турсунов сингари қарийб 50 йиллик меҳнат стажига эга алоқачилар ҳам Ш.Мирзаевнинг сўзларига қўшилишди. Уларни корхонадаги барча алоқачиларнинг устози дейиш мумкин. Негаки, фахрийлар ёшларга ҳалол ва виждонан ишлаш кераклигини, ўз вазифаси, жамоасини ҳурмат қилиш лозимлигини уқтиришдан чарчашмайди. Ўзларининг бой ҳаётий ва касбий тажрибасини уларга ўргатишни шарафли бурч деб билишади.

Бугунги кунда Шомурод Ражабов, Бердиёр Примов, Асад Нарзуллаев каби шогирдлар ҳам устозлардан қолишмайди.

Ҳар қандай жамоанинг ютуқлари энг аввало раҳбарга, унинг ташкилотчилиги ва талабчанлигига, етук мутахассис эканлигига боғлиқ. Боғлама бошлиғи Илаш Қаршибоев ана шундай раҳбарлардан. У 1976 йили Тошкент электротехника алоқа институтини (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети) тугаллаб, шу ерга ишга келди. Тўрт йил давомида муҳандис ва линия техника цехи бошлиғи бўлиб ишлади. 1980 йилдан буён эса бошлиқ вазифасида. Ўтган давр корхона учун ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш йиллари бўлди. АТСлардаги абонент рақамлари сони 1500 тадан 5000 тага етказилди. Янги маъмурий-ишлаб чиқариш биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқ автомат телефон станцияларини шаҳар билан боғловчи ЭКМ-15 аппаратлари ўрнатилди. Барча АТСлар рақамни белгиловчи аппаратлар (АОН) билан жиҳозланди. Бу мижозларга бир зумда мамлакатимиз ва ундан ташқаридаги исталган манзил билан телефон орқали уланиш имконини берди. 1998 йили барча АТСларнинг япон технологияси асосида қайта жиҳозланганлиги алоқа сифатини тубдан яхшилаб, абонентлар сони ошишига, хизмат ҳақларининг ўз вақтида тўланишига имкон яратди.

Навоий ҳамда Кармана туманидаги аҳоли, ташкилот ва корхоналарга талаблар даражасида телефон алоқа хизмати кўрсатиб келаётган боғлама жамоаси эришилаётган натижалар билан чекланиб қолгани йўқ. Барча алоқа линияларини жорий ҳамда тубдан таъмирлаш ишлари режа асосида амалга оширилмоқда. Биргина шу йилнинг ўтган даврида 10 километрдан ортиқ линиялар таъмирланди. Келгусида Навоий туманининг янги маркази Исломобод шаҳри, Фарҳод қўрғони ва қишлоқ ҳудудларида ҳар бири 500 абонентга мўлжалланган учта АТС ларни ўрнатиб, ишга тушириш, алоқа хизмати сифатини янада яхшилаш каби муҳим ишлар режалаштирилган.

**Олим ХЎЖАЕВ**





Тошкент ахборот технологиялари университети олий ўқув юртларига кирувчиларни 9 ойлик тайёрлов курсларига таклиф этади. Тингловчиларга математика, физика, она тили ва адабиёт фанларидан машғулот олиб борилади.

Уч фан бўйича ўқиш нархи — бир ойга 25 минг сўм.

— математика — 12300 сўм;

— физика — 8400 сўм;

— она тили ва адабиёт — 4300 сўм.

**Манзилимиз: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 108-уй, 117, 226-хоналар.**

**Телефонлар: 35-97-63, 35-97-91.**



**9, 24, 51, 60, 67, 72, 91, 93, 95-автобусларнинг "Шивли" ҳамда метронинг "Бодомзор" бекати.**




Избоскан туманида асосан мевали ва манзарали кўчатлар етиштиришга ихтисослашган Мичурин жамоа хўжалиги бор. Ушбу хўжалик аҳолисига 1979 йилдан буён Самижон Собиров телефон алоқаси хизмати кўрсатиб келади. Ўз ишининг устаси бўлган бу алоқачи шикоятларга йўл қўймайди, ўзига бириктилган электралоқа жиҳозларини намунавий ҳолатда сақлайди. Жорий йили у Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш (собиқ Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар) агентлиги корхоналарининг 10 йиллиги ҳамда алоқачилар куни муносабати билан "Ўзбектелеком" АК "Фахрий ёрлиғи"га сазовор бўлди.

**Суратда: С. СОБИРОВ (ўнгда) Пойтуғ телекоммуникация боғламаси бош муҳандиси билан тармоқ линиялари ишини кўздан кечирмоқда.**

## АЛОҚАЧИЛАР ҲАШАРДА

"Навоий Телеком" филиалининг йигирма нафар ходими ҳар куни Навоий тумани пахтазорларидан ўрта ҳисобда 500-600 килограммдан пахта теришмоқда. Айниқса, О. Бекова, З. Дадоева, Ф. Қамбулатовалар ўз касбдошларига ўрнак бўлишяпти.

"Навоий почтаси" акциядорлик жамияти алоқачилари ҳам пахтакорларга кўмакка отланишган. Алоқачи ҳашарчиларнинг ўзаро меҳнат беллашувида Навоий шаҳридаги 4-алоқа бўлими почтачиси Инобат Ҳусенова, 6-алоқа бўлимидан Дилфуза Кенжаева ва карманалик меҳнат фахрийси Нурқул Қурбоновлар илғорлик қилишмоқда.

**Жамоатчи мухбиримиз**

# "ҲАМДАРДЛАР"

(Ҳажвия)

Ишдан ҳориб-чарчаб уйга зўрға кириб бордим. Маликаи дилозор салом-алик ўрнига одатдаги дийдиёсини бошлади:

— Пул обкелдингизми? Азонда мен сизга нима девдим? Эртага аммам кичик қизини чиқаряпти. Ернинг тагидан бўлсаям пул топиб келинг демаганмидим?!

— Ахир кассиримиз ойлик ололмай келди. Ҳой, инсон, тушунсанг-чи?! Банкдан беришмапти. Душанба куни беришаркан. Уч-тўртта танишларимдан ҳам сўраб кўрдим. Ҳаммаси ўзим каттори маошга қараганлардан...

— Сизнинг ўзингиз киму, ошналарингиз ким бўларди, — баттар жаҳлга минди хотиним. — Ҳаммаси бир хил, мулла мирқуруқлар. Ҳой, бу ёққа қаранг! Менга ҳозир қайси гўрдан бўлсаям йигирма-ўттиз минг сўм топасиз. Агар топмас экансиз, бу уйда қорангизни кўрмай. Эшитдингизми?!

— Ҳа! — Жаҳл билан костюмимни елкамга ташладим-да, қадрдон "гастинсам" — ишхонамга йўл олдим.

Орадан икки соат ўтар-ўтмас яна қайтиб борганимни кўрган қоровул чол — Назир бобо секин сўради.

— Ҳа, Солижон, келин яна уйга киритмадими?

Қани энди ер ёрилсаю, ерга кириб кетсанг ўша палла. Авзойимни кўрган чол "аҳвол маълум" маъносида "эҳ, бу хотинлар" деганича нари кетди.

Қоровул олдинлариям икки-уч марта оқшом келиб, стулларни қаторлаштириб, шу ерда тонг оттирганимдан хабардор эди. Ақлли инсон-да, эзмалашиб бу галги ташрифимнинг сабабини сўраб ўтирмади. Фақат, "кеча Алибек ҳам ётиб кетувди", деб қўйди. Алибек — бош иқтисодчимиз.

Орадан бирор соат ўтгач, хона эшиги "ғийқ" этиб очилди. Қарасам, ҳамхонам — Ботирвой.

— Ҳа, ошна, бирор нарсанг қолиб кетибдими? Яна қайтиб келибсан? — сўради у кулимсираб.

— Тиллаларим, — дедим мен ҳам зўр-базўр илжайиб, — ўзинг нима қилиб юрибсан кеч бўлганда, ажинасини йўқотган бахшидай? Нима, сен ҳам менга ўхшаб иккинчи сменада ишлаш учун келдингми?

Кейин билсам, Ботирвой ҳам уйга боргач, хотини билан ғижиллашиб қолибди-да, асабни бузмаслик учун тўғри бу ёққа келаверибди.

Яхшиям хонада стуллар саккизта. Икковимизга бемалол етди. Анча пайтгача бошдан ўтганларни бир-биримизга ҳикоя қилиб, кўзимиз илинибди.

Ярим кечада уйқум қочиб, ташқарига чиқдим. Қарасам, бошлиқнинг хонасида чироқ ёниқ. Ҳовлида машинаси турибди.

— Тинчликми? — дея секин сўрадим сўрида мудраб ўтирган қоровул чолдан.

Чол "билмадим" ишорасини қилиб, қоқсуяк елкасини қисди.

— Икки-уч соат бўп қолди келганларига. Ҳозир чой киритиб бердим. Ниманидир ўқиб ўтирибдилар. Кайфияти ланжроқ. Катта одам — сўраш ноқулай. Уялмасин деб, сизлар ҳам шу ерда эканликларингни айтмадим. Билмагани маъқул. Хўжайиннинг дардиям сизларникидан бўлса керак, уч кундан бери кабинетида тунаяптилар.

**Ўткир САИДОВ**

# МАШҲУРЛАР ҲАЁТИДАН

Диккенс балиқ овига муккасидан кетган ишқибоз бўлган. У сувга қармоқ ташлаб қўйиб, қирғоқда ўтириб ҳордиқ чиқаришни ёқтирган. Шундай кунларнинг бирида нотаниш киши унга яқин келиб, анъанавий сўроқни беради:

— Қалай, тортяптими?

— Ҳа, мен ҳозир келдим, — дейди ҳеч нарсадан бехабар ёзувчи. — Лекин кеча шу ердан ўн бешта мана бундай форель балиғидан тутганман.

— Э-ҳа, шунақами?! — жиддий тус олади нотаниш киши. — Биласизми мен кимман? Мен балиқчилик инспектори бўламан. Бу томонларда, биродар, балиқ овлаш қатъиян ман қилинган.

Инспектор расмийлаштириш учун киссасидан жарима қоғозини чиқаради.

— Ҳовлиқманг! — дейди Диккенс пинагини бузмай, — сиз танимадингизми ўзи, мен кимман? Мен Чарлз Диккенс бўламан, машҳур ёзувчи, романистман. Оғзимдан бехосдан чиқиб кетган ёзувчилик фантазиям учун жарима солинмаса керак-ов!

* * *

Таниқли физик Отто Фриш ўз эсдаликларида ёзишича, Эйнштейн юмшоқ табиатли шахс бўлгани сабабли унинг сиймосини тасвирлашни хоҳловчи кўпдан-кўп сураткашлар, рассомлар ва ҳайкалтарошларнинг илтимосларини ҳеч қачон рад қилмас экан. Турли ҳолатда улар қаршисида туриш олимнинг кўп вақтини оларкан. Тасодифий танишлардан бири ундан касбини сўраганди:

— Натурачилик — менинг асл касбим, — деб жавоб қилган экан олим куйганидан.

* * *

Машҳур италян санъаткорлари Артуро Тосканини ҳамда Петро Масканиларни Верди хотирасига бағишланган музика фестивалига таклиф қилишади. Тосканини шуҳратига ҳасад қилувчи Петро Маскани бир шарт билан таклифга рози бўлди. У Тосканинига нисбатан кўпроқ гонорар талаб қилди.

— Гонорарим бир лира бўлса ҳам уникидан ортиқ бўлсин, — деди Маскани.

Фестивални ўтказиш комитети унинг шартига рози бўлди.

Қизиғи шундаки, ҳисоб-китоб вақтида қўлига бор-йўғи бир лира пул теккан Маскани ҳайратдан ҳанг-манг бўлиб қолди.

Маълум бўлишича, Тосканини фестивалда бепул дирижёрлик қилган экан.

# БОШҚОТИРМА



**ЭНИГА:** 1. Радиоқурилмалар асосий элементларидан бири. 3. Тебранишларни ҳосил қилувчи қурилма. 4. Электрон қурилма. 5. Қўшма корхона. 6. Ихтирочи. 7. Электралоқа воситаси. 8. Ёруғлик ўлчов бирлиги. 9. Ғалтак тури. 10. Қўшма корхона. 11. Радиопрёмник тури. 12. Тозалаш воситаси. 13. Дастлабки ҳисоблаш машиналаридан бири. 14. Ўлчов бирлиги. 15. Электрон лампа. 16. Қўшма корхона. 17. Жисмларни электромагнит тўлқинлар орқали топиш, ўрганиш. 18. Резонанс ҳосил қилувчи. 19. Телекадрнинг бир қисми. 20. Акциядан олинадиган фойда. 21. Металл. 22. Кимёвий элемент.

**БЎЙИГА:** 1. Заряд йиғувчи элемент. 2. Белгиланган қиймат. 3. .... Ом 5. Товуш баланд-пастлиги. 6. Антенна тури. 7. Қўшма корхона. 8. Тебранишни қайтариш. 9. Морзе алифбоси белгиси. 10. Генератор қисми. 11. Иқтисодий инқирозга учраётган корхонага молиявий ёрдам бериш. 12. Исталган нуқтадан алоқа қилиш имконияти. 13. Сигнал тури. 14. Ўлчов бирлиги. 15. Радио ишлашининг шартларидан бири. 16. Қабул қилувчи қурилма. 17. Электрон асбоб. 18. Электр бирлик. 19. Кадр остига ёзиладиган сўзлар. 20. Электротехникада қўлланиладиган материал. 21. Ўйлаш органи. 22. Электр изолятор.

**Тузувчи: М.НАЗИРОВ**

# МУҲАББАТ, БУ – ...

- Сени севганларида ҳеч нарсадан шубҳаланмайсан. Мабодо ўзинг севиб қолсанг, ҳамма нарсадан шубҳаланаверасан.
- Фожеа севгининг ўткинчилигида эмас, фожеа — ўтиб кетмайдиган муҳаббатдадир.
- Муҳаббат йўқ жойдан пайдо бўлади ва ҳамма нарса туфайли тугайди.
- Севги куртак ота бошлаганда севишганлар келажак ҳақида, тугаётганида эса ўтмиш ҳақида сўзлайдилар.
- Аёл ўзини унга топширди, аммо ўзини қайтиб олишни истамади.
- Муҳаббат "оҳ-воҳ"лардан бошланиб, эснoқ билан тугайди.
- Муҳаббатда энг муҳими бошланиши, шу боис биз тез-тез бошлаб турамиз.
- Агар икковлон ўзаро шивирлашса — бу муҳаббатнинг бошлангани. Агар ҳамма шивир-шивир қилса, бу муҳаббатнинг тугагани дир.
- Севимли аёлдан жудо бўлишдай изтиробли ва қисқа жудолик йўқ.
- Сўққабош — аёллар билан тезда топишиб ёки уларни ташлаб кетадиган ва бу ҳар икки ишни бирдай ёқтирадиган эркакдир.
- Биз у билан ажрашдик. У уйланмоқчи эди, мен эсам унинг уйланишига қарши эдим.
- Ҳар икки хотиндан ҳам ёлчимадим. Биринчиси мени ташлаб кетди, иккинчиси ҳали ҳамон мен билан яшаяпти.
- Муҳаббат вақтни унутишга, вақт эса муҳаббатни унутишга ёрдам беради.
- Севгининг ва шамоллашнинг давоси бўлмайди. Улар ўзларича ўтиб кетади.
- Севгининг давоси никоҳдир.
- Ёш — энг яхши севги дориси.

## ●АЖАБ ДУНЁ

### ДУНЁДА ЭНГ КАТТА КЎПРИК

Италияда Месса бўғози орқали ўтадиган дунёда энг катта кўприк лойиҳаси тасдиқланди. Кўприкнинг узунлиги 3300 метр бўлиб, қурилиши 10 йил давом этади ва 40 мингта яқин кишини иш билан таъминлайди. Денгиз сатҳидан 60 метр баландликда қуриладиган бу кўприк Милан Политехника институти мутахассислари ишлаб чиққан зилзилабардош тузилмалар билан таъминланади. У Рихтер шкаласи бўйича етти баллга бардош беради. Бир пайтнинг ўзида ундан 12 автомобил оқими ва икки темир йўл ўтади. Ҳақиқатан ҳам у ҳар томонлама энг катта кўприк деган номга лойиқ.

### ШОҲЛАР КЕЛИБ КЕТАВЕРАДИ

Лондонлик Томас Карн бутун умри давомида бир эмас, ўнта подшонинг бошқаруви остида яшашга муяссар бўлди. У 1471 йили, айни қирол Генрих VI тахтдан ағдарилган пайтда дунёга келди. Орадан роппа-роса 87 йил, 7 ойу 6 кун ўтиб, Томас Карн ҳаётидаги сўнгги – ўнинчи хоқон Елизавета Iнинг тахтга ўтиришига гувоҳ бўлди. У 1578 йил, 28 январда 107 ёшда вафот этди.

### МЎЙҚАЛАМ ҲАМ ДОРИ

АҚШдаги руҳий касалликлар шифохонасида касалликни даволашда янги усул ишлаб чиқилди. Бу усулнинг моҳияти шундаки, бемор ўз фикри ва муаммоларини қандай тасаввур қилса, шунинг расмини чизиш тавсия этилади. Шифокорлар ҳар бир одамда бир нечта "мен"и бўлиб, улар доимо ўзаро жиққа мушт бўлишади, деб ҳисоблашади. Ижод жараёнида мана шу "мен" бир мақсадга йўналтирилади. Бемор шу иш пайтида турли фикрлар ва муаммоларни унутади. Бу антиқа усулни яратган шифокорларнинг фикрича, руҳий касалликларни шу тариқа даволаш мумкин экан.

# ТАБРИКЛАЙМИЗ!



"XABAR" газетаси жамоаси **Турсунбой ЗУҲРИДДИНОВ**ни туғилган куни билан табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида ривож, оилавий хотиржамлик тилайди.

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги**

●

**Бош муҳаррир:**
**Шодмон ОТАБЕК**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОР,
Анатолий КУДИНОВ,
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Мирпўлат МИРЗО,
Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35,
А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
*Habar@uzapt.uzpak.uz*
ИНДЕКС: 64600
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма №Г-1070.
5085 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.
**Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**
**Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА**
**Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОЕВ**
Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00